



"Farg'onaazot"
aksiyadorlik jamiyati

fargonaazot_uz

AO Farg'onaazot

www.azot.uz

info@azot.uz

fargonaazot.uz

t.me/fargona_azot

Kimyogar

Fidoyilik — Vatanga xizmat demak!

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Gazeta 1979 yil yanvar oyidan chiqa boshlagan.

№ 1 (1671) 2022-yil, 28-yanvar.



Мурожаат

КОРХОНА БОШҚАРУВИ РАИСИНИНГ ХОДИМЛАРГА ЙЎЛЛАГАН МУРОЖААТИ 2022 ЙИЛ УЧУН БАРЧАГА ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛМОҚДА

Жамиятимиз раҳбари Абдулатто Салижанов корхона ишчи-ҳодимларига Мурожаат йўллади. Унда "Farg'onaazot" акциядорлик жамиятининг 2021 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳамда 2022 йилги режаларга муносабат билдирилган.

Нурмурод СИРОЖОВ, "Farg'onaazot" акциядорлик жамиятининг корхона бошқаруви раисининг ёшлар ишлари бўйича маслаҳатчиси:



— Барчамизга маълумки, яқинда "Farg'onaazot" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ишчи-ҳодимларга Мурожаат қилди. Мазкур Мурожаатда корхонамиз раҳбари 2021 йил якуни, эришилган ютуқлар натижаси тўғрисида маълумот бериб ўтди. Албатта, ўтган йилда эришган ютуқларимиз салмоқли бўлди, десам адашмаган бўламан. Шунингдек, жамиятимизда фаолият олиб бораётган ёшларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган, уларга кўрсатилаётган катта эътибор, ёшларга оид давлат сиёсати ижроси юқори даражада бажарилгани бизга янада туртки бўлди.

Корхона раҳбари 2022 йилда ҳар соҳага эътибор қаратилишини назарда тутган ҳолда, 15 та масалани амалга ошириш юзасидан аниқ топшириқлар белгилаб қўйди. Жумладан, Абдулатто Тўланович барча раҳбарларга иш фаолиятларида ўз вазифаси ва ишчиларга бўлган муносабатини ҳамда дунёқарабини тубдан ўзгартириб, "Инсон қадри учун" шiori асосида янгилаш ишлари, янгилаш фикрлаши лозимлигини, биринчи навбатда, "Инсон, жамият ва давлат" тамойилини барча ҳаракатларнинг негизи бўлиши лозимлиги ҳақида айтиб ўтди.

Раҳбаримиз ўз Мурожаатида келгуси йилда жамиятда ёшларга оид давлат сиёсати тўхталиб ўтар экан, ёшлар билан ишлашнинг янги тизими яратилиши, уларга ҳар доимиданда катта эътибор қаратилишини таъкидлаганини, бевосита мен, ёшларнинг ваколатли вакили сифатида ўзимда чексиз ғурур ва ифтихорни ҳис қилдим. Зеро, йирик корхоналардан бири бўлган "Farg'onaazot" акциядорлик жамияти ёшларига кенг имкониятлар, қўллаб-қувватлаб яратиш берилмоқда.

Шу фурсатдан фойдаланиб, корхона раҳбарияти, ҳар бир бўлим ва цехлар раҳбарларига ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турганлари учун ўз миннатдорчилигини билдираман. Келажакда корхонамиз ёшлари мукамал, ўз касбининг устаси бўлиб етишишлари, нафақат иш фаолиятларида, балки барча соҳаларда улкан марраларга эришишларига ишонман ва корхонамиз ёшларини каск поғоналарга етаклаш йўлида ўзининг бор кучини сарфлашга ваъда бераман.

Эъзозхон АБДУЛЛАЕВА тайёрлади.



ФАХРЛИ СОҲА ВАКИЛЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ВА 14 ЯНВАРЬ ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

"Мард посбонлари бор халқнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкам, ғурур-ифтихори баланд бўлади"

Ш. МИРЗИЁЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ва 14-январь Ватан ҳимоячилари куни республикамизда тантанали равишда нишонланди. Ватанпарвар, мард, жасур ўғлонларимиз меҳнатлари юксак эътироф этилди. Ватан ҳимоячилари куни арасида Ўзбекистон Республикаси Президентини, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Мудофаани бошқариш миллий марказида бўлиб

ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари ушбу кутлуг байрам билан барча ҳарбий хизматчилар ва соҳа фахрийларини табриклиди. Йиғилишда Ватанимиз Қуролли Кучлари фаолияти борасидаги бир қанча масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, 2022-2026 йилларда Қуролли Кучларни янада ривожлантириш бўйича концептуал дастур қабул қилиш вазифаси қўйилди. Қуролли Кучларни замонвий қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техника билан таъминлаш, мавжудларини модернизация қилиш ҳам ҳарбий қурилиш соҳасидаги энг устувор вазифалардан

бўлиб қолиши таъкидланди. Ҳурматли Президентимиз томонидан йиғилишда аввало кадрлар тайёрлаш, илғор услубларни омма-лаштириш масалаларига эътибор қаратилди. Ҳарбий ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, Қуролли Кучлар Академиясини ҳарбий илм-фан даргоҳига айлантириш зарурлиги илгари сурилиб, яқинда иш бошлаган Ҳарбий мерос ва замонвий тадқиқотлар институтини ҳарбий таълим ва илмий фаолият тизимига самарали интеграция қилиш топшириги берилди.

(Давоми 2-бетда).

Мазкур Мурожаатда жамиятимизда ўтган йилда амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар билан биргаликда, жорий йилда корхона самарадорлиги, кўзланган режалар ҳамда бошқа ижтимоий-маънавий соҳалар бўйича чора-тадбирлар қамраб олингани қайд этилган. Ходимлар фаолиятини янада яхшилаш, уларнинг ижтимоий ҳимояси, маънавий-маърифий йўналишлар асосий масалалар сифатида белгилангани таъкидланган. Шунингдек, истиқболли лойиҳалар бўйича инвестициялар киритиш, маҳсулотлар турини кўпайтириш, маҳаллий ва жаҳон бозорига рақобатбардор минерал ўғитларни етказиб бериш, уларнинг жозибадорлигини ошириш ишлари қай тарзда олиб борилиши режалари кўрсатилган.

Табиийки, бошқаруви раисининг Мурожаати корхона цех, бўлим ва бошқармалари бошлиқларини бефарқ қолдиргани йўқ. Унга кўра, ҳар бир раҳбар ўзининг ва бошқарувдаги хизмат жойида қилинадиган ишларини белгилаб олиб, жорий йилга режалар тузилди. Бир сўз билан айтганда, корхона раҳбарининг Мурожаати ишчи-ҳодимлар, бошлиқ ва раҳбарлари учун дастуриламал бўлди.

Ҳасанбой АЗЛАРОВ, Карбамид ишлаб чиқариш цехи бошлиғи:



— Жамият бошқаруви раиси Абдулатто Тўлановичнинг Мурожаатида келтириб ўтилган 2020-2021 йилда эришган ютуқлар, корхона томонидан топилган фойда ва бунинг натижасида ишчи-ҳодимларни рағбатлантиришлар жорий этилганлиги барчага мотивация, янада олдинга интилиш ҳиссини берди.

Шу ўринда 2022 йилга катта истиқболли режалар, дастурлар қабул қилинган барчани бирдек қувонтирди. Раҳбаримиз ўз Мурожаатида 15 банддан иборат бўлган масалаларни ўртага ташлаб, жорий йилга режа тарзида белгилаб берди. Масалан, иккинчи бандида келтириб ўтилган Инвестицион лойиҳаларни жадаллаштириш мақсадида "Меламин ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳаси янги дастур бўлиб, бу янги маҳсулот ишлаб чиқариш демакдир. У республикамиз ва Марказий Осиёда ягона ишлаб чиқариладиган маҳсулот доирасида кадрланади.

Шунинг учун бу дастурни амалга ошириш жуда ҳам зарур деб биламан. Корхонада бир қатор янги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эвзига умумий ҳисобда 700 дан зиёд янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилгани кўрсатиб ўтилган. Бу юқори кўрсаткич, албатта.

Юқорида кўрсатилган ишлар натижасида шахримиз ёшларига катта имкониятлар эшиги очилади. Бошқаруви раисининг таклифи билан олий ўқув юртлири битирувчи талабаларига катта йўл очиб берилмоқда. Шунингдек, ишсизликнинг олдини олишга ва 700 нафар ёшларни иш билан таъминлашга замин яратилади.

Таъкидлаш жоизки, Мурожаатда кўрсатиб ўтилган Президентимизнинг "Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида"ги фармониغا асосан, жамиятимизга қарашли бўлган Даволаш-соғломлаштириш диагностика цехини янада замонвий ускуналар билан жиҳозлаш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва зарурий меъёлар билан таъминлаш бўйича амалий ишлар бўйича банд эътиборга молик. Даволаш марказида корхонамиз ходимлари учун барча турдаги, шу ўринда, мураккаб турдаги касалликларни ҳам даволаш шароити яратилиши, юқори малакали тиббиёт ходимлари томонидан сифатли хизмат кўрсатилишига эришиш, албатта корхонамизнинг катта ютуғи бўлади.

Мазкур Мурожаатини охириги банди раҳбарлик лавозимига фаолият юритаётган ходимларга тегишли бўлиб, цех ва бўлим бошлиқларининг ўз ходимлари билан юқори савияда ишлаш олиш даражаси жуда муҳимдир. Корхонамиз раҳбари таъкидлаганидек, "ҳар бир раҳбар лавозимига муносиб бўлиши, ишчилар билан ишлашда индивидуал ёндашиши, ўз устида доимий тарзда ишлаши, бир сўз билан айтганда, мукамал бошқарувчи бўлишлари шарт". Мен доимо шу сўзларга амал қилишга ҳаракат қиламан. Ёш кадрлар билан янада масъулият билан ишлаб, улардан "захира" ходимлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратаман.

Тан олиб айтиш лозимки, ҳозирги шиддат билан ривожланиб бораётган замонда ёшларнинг барча жабҳалардаги ўрни катта. Демак, ривожланиб бораётган жамиятимизда янги талабаларга жавоб бера оладиган, билимли, ўзига ишонган, ташаббускор ёш кадрларнинг ўсшини таъминлаш, ҳаётда ўз ўринларини топишига ёрдам бериш ва албатта мақсадлар даражасида ташаббускор раҳбарларнинг қўллаб-қувватлаб туриши шарт.

Корхонамиз бошқаруви раиси Мурожаатини ўқиб чиқиб, цехимиз ва ходимлар билан ишлаш бўйича 2022 йилги режаларни тузиб олдим. "Ҳар бир раҳбарни ўз ўрнини босувчи кадр бўлиши шарт" деган ширимга амал қилган ҳолда, биринчи навбатда, ёш мутахассислардан раҳбарлик лавозимларига "захира" кадрлари тайёрлашни йўлга қўяман. Зеро, бундан корхонамизни биз ўйлаган катта мақсадлар даражасида ривожланишига эришиб бўлмайди. Шунингдек, биринчи навбатдаги режаларимдан бири - хавфсиз, таълафотларсиз янада сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва харидорларга етказиб беришдир.

МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ



Саидкамал ИСАҚОВ олган суратлар.

Жамиятимизда ишлаб чиқарилаётган халқ хўжалигида зарур бўлган минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларга республикамиз ва жаҳон бозорига талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Маҳсулотларимиз харидорлигининг ошиши кўп жиҳатдан хомашёларнинг сифати-га, ишлаб чиқариш унумдорлиги ва албатта ускуна, қурилмаларнинг узлуксиз, бенуқсон ишлаб туришига боғлиқ.

Корхонамиз цехларининг ускуналарини янгилаш, уларни замонвий, энерготехжамкор қурилма, ускуналарга мунтазам равишда алмаштириб бориш юқорида айтиб ўтилган ишларни самарали амалга оширишга замин яратди. Жорий йилнинг бошиданок корхонамизнинг асосий ва ёрдамчи цехлар - Аммиак-3, Аммиакли селитра, Азот кислотаси, Карбамид, Сода ишлаб чиқариш, Электр таъминоти, Буғ-қозон, Сув-буғ таъминоти ва Саноат оқва цехларида мукамал таъмирлаш ишлари бошланиб кетди. Ҳозирда жамият раҳбарияти бошчилигида барча цехлар, бошқарма ва бўлимлари масъул ходимлари, бош мутахассислар режадаги ишларни юқори савияда амалга

ошириш ва назоратга олишга жалб қилинганлар. Олиб борилаётган мукамал таъмирлаш ишлари, цехлардаги агрегатларни қайтадан қувватлантириш, биринчи навбатда, уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга, иккинчидан қувватини ва энергия-техжамкорлигини оширишга хизмат қилади. Бу, албатта, жамиятнинг ишлаб чиқариши бир хил ишлаши, белгиланган режаларни самарали бажариш ҳамда жиҳозларни нормативга мувофиқ ишлашини таъминлаб беради. Корхона цехларига ўрнатилаётган жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар, ускуналар нафақат МДХ мамлакатларида, балки Япония, Франция давлатларининг илғор технологияларини қўлайдиган корхоналарида ишлаб чиқарилган.



— Мукамал таъмирлаш ишлари асосан тўртта цехда - Аммиак-3, АС-72М, АК-72М ва Карбамид ишлаб чиқариш цехларида олиб борилмоқда. Мазкур цехлардаги таъмирлаш ишларида корхонамизнинг таъмирловчи-чилангарларидан ташқари, бошқа турдош корхоналарда фаолият юритувчи тажрибали таъмирловчи-чилангарлар ҳам иштирок этмоқда. Мукам-

мал таъмирлаш ишларига бефарқ бўлмай, белгиланган муддатларда ўз ишчиларини юборган "Максам-Чирчиқ", "Олмалик Максам", "Навоийазот" корхоналари раҳбариятига жамиятимиз номидан алоҳида миннатдорчилик билдираман — дейди Илмий техникавий ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Абдувоҳид Мирзаматов.

Саидкамал ИСАҚОВ.

ФАХРЛИ СОҶА ВАКИЛЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ВА 14 ЯНВАРЬ ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

(Бошланиши 1-бетда).

— Янги — 2022 йил ҳамма соҳада, жумладан, Қуроли Кучлар тизимида ҳам ҳал қилувчи йил бўлиши шарт, — деди давлатимиз раҳбари.

Муҳим сана арафасида Шавкат Мирзиёев шарафли соҳа эгалари, Ватанимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаётган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бир гуруҳ ходимларини муносиб тақдирлаш тўғрисида фармон қабул қилди. Унга кўра, Мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, Қуроли Кучларимиз жанговар салоҳиятини юксалтириш, Ватанимиз мустақиллиги, давлат ҳавфсизлиги ва чегараларимиз

дахлсизлигини асраш, профессионал миллий армияни шакллантириш, ҳарбий хизмат нуфузини оширишдаги катта хизматлари, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, халқимиз осийшталлигини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний нафаъатларини ҳимоя қилиш борасидаги ибратли фаолияти, шарафли ва муқаддас бурчини бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатгани, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юқори маҳоратга эга кадрларни тайёрлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ Қуроли Кучларимиз вакиллари «Мардлик», «Дўстлик», «Жасорат», «Содиқ хизматлари учун» ҳамда «Шуҳрат» каби орден ва медал-

лари билан тақдирландилар.

Фарғона вилоятида ҳам байрамга катта тайёргарликлар кўрилди, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. 13 январь кuni эрта тонгдан Фарғона осийшталлигини сақлаш, Шарқий ҳарбий округ кўшинлари кўмондонлигининг вилоятдаги ҳарбий қисмлар офицер, сержант, аскарлари ва кенг жамоатчилик вакиллари жам бўлди. Ҳажми 1100 кв.м бўлган улкан байроқ аскарлар кўмағида кенг ёйилиб, вилоят Тадбиркорлар уйи олди-дан Ислон Каримов номидаги вилоят театр ва концерт саройигача бўлган масофага ҳарбий оркестр садолари остида олиб борилди.

Ватан ҳимоячилари кuni юрт ҳимоясида жон фидо қилган

ҳамюртларимиз муқаддас хотираси ёдга оlinиб, "Мотамсаро она" ҳайкали пойига вилоят ҳокимлиги, Шарқий ҳарбий округи, ҳуқуқ-тартибот органлари, корхона, ташкилот, ва муассасалар томонидан гулчамбарлар қўйилди. Сўнгра ҳарбий парад бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз бўйлаб Ватан ҳимоячилари кuni кенг нишонланаётган бир вақтда "Farg'onaazot" акциядорлик жамияти ишчилари ҳам кутлуғ санани кенг нишонладилар. Корхона жамоат ташкилотлари, касаба уюшмаси томонидан бир қанча тадбирлар ташкилланди. Ватанимизни мадҳ этган куй-кўшиқлар, саҳна кўринишлари ва концерт дастурлари намойиш этилди. Ташкилот раҳбарлари ўзларининг дил сўзлари билан барча ўғлонларимизни табрик-ладилар. Уларнинг Ватан ҳимоясидек катта ва масъулиятли ишларига омадлар тилаб, юртимиз байроғи мусоффо осмонимизда ҳамisha хилпираб туришини тилаб қолдилар.

Қуроли Кучларимиз фахрийлари ҳам корхона раҳбарияти ёлдан чикгани йўқ. Шарқий ҳарбий округи маънавият ва маърифат марказида Ватанимиз ҳимоясидаги садоқатли меҳнатлари учун 15 нафар ҳарбий фахрийларига корхона



томонидан қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Унда Шарқий ҳарбий округ фахрийлар кенгаши раиси Тожимурод Ғиёсов, Фарғона вилояти фахрийлар кенгаши раиси Воҳиджон Тошалиев, Мудофаа Вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши Фарғона минтақавий бўлими раиси ўринбосари Жамолиддин Насред-

диновлар иштирок этиб, барчани байрам билан кутладилар. Мардлик, ватанпарварлик, матонат ва Ватанга беминнат хизмат қилиш тимосоли бўлмиш ушбу байрам юртдошларимизга кўтаринки қайфият бахш этди. — "Farg'onaazot" акциядорлик жамияти меҳнатларимизни юксак эъозлаб, кўрсатган эътирофи

учун корхона раҳбариятига ўзим билан Қуроли Кучлар фахрийлари номидан миннатдорчилик билдираман. Шу ўринда, корхона жамоасини Ватан ҳимоячилари кuni муносибати билан кутлаб қоламан, — деди Фахрийлар кенгаши раиси Тожимурод Ғиёсов.

Эъоззон АБДУЛЛАЕВА.

НУРМУРОД СИРОЖОВ "ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ»

Корхонамиз бошқарув раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси **Нурмурод Сирожов** "Йилнинг энг фаол ёшлар етакчиси» кўрик танлови ғолибига айланди.



Кўрик-танловнинг маҳаллий босқичида билим ва кўникмалари, лидерлик қобилияти, амалга оширган лойиҳалари ва иш-фаолиятида эришган натижалари бўйича вилоятимиз корхона, ташкилотлари ва муассасалардаги бошланғич ташкилот ёшлар иттифоқи етакчилари 3 та шарт асосида қизгин беллашдилар.

Мазкур танловда жамиятимизнинг ёшлар иттифоқи Кенгашида бир йил мобайнида фаолият юритиб келаётган Нурмурод Сирожов фахрли 1-ўринни эгаллаб Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Фарғона вилояти Кенгаши томонидан Диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

ТАБААРУК 60 ЁШИНИНГ МУБОРАК БЎЯСИ!

Корхонамизнинг механик таъмирлаш цехи бошлиғи ўринбосари Саҳодилло Маматалиев жорий йилда ўзининг 60 ёшини қарши олди. Узоқ йиллардан бундан жамиятимизда фаолият юритиб келаётган Саҳодилло ака ўз касбининг устаси, фидойи ходим.

У ўзининг 33 йил фаолияти давомида меҳнатсеварлиги, масъулиятлиги билан корхона ва цех раҳбарияти, меҳнат жамоасининг меҳрини қозонган. Саҳодилло Маматалиев, Сизни шуқрона кунингиз билан жамоамиз номидан муборакбод этамиз! Кутлуғ таваллуд айёмингизда Сизга яна бир бор соғлиқ-саломатлик, оилангизга тинчлик-фаровонлик, дастурхонингизга файзу барак, жамиятимиз ва жамоамиздаги ғоят шарафли ишларингизга улкан муваффақиятлар тилаймиз.



САМИМИЙ ВА ЮҚОРИ КАЙФИЯТ СИЗНИ
ҲЕЧ ҚАЧОН ТАРК ЭТМАСИН!

Ҳурмат билан,
Механик таъмирлаш цехи жамоаси.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, аҳоли тўғрисида тўла ва ишончли маълумотга эга бўлиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2020-йил 16-мартдаги "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги 611-сонли қонуни қабул қилинди.



Мазкур қонунга асосан аҳолини рўйхатга олиш жараёни даврийлик — аҳолини рўйхатга олиш ўн йилда камидан бир марта ўтказилиши, умумийлик ва бир пайтдалик — аҳолини рўйхатга олишнинг ягона белгиланган санасида шахсга доир маълумотларни барча респондентлардан йиғиш, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида бир пайтнинг ўзида амалга оширилади. Рўйхатга олишнинг яқка тартибдаллиги — шахсга доир маълумотлар йиғилаётганда рўйхатга олиш вариоги ҳар бир респондент учун яқка тартибда тўлдирилади. Шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги — аҳолини рўйхатга олишнинг шахсга доир маълумотлари махфий бўлиб, респондентнинг розилигисиз ошқор этилмайди ва тарқатилмайди. Аҳолини рўйхатга олишнинг бошқаришнинг

санасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин аҳолини рўйхатга олиш санасида унинг ҳудудидан ташқарида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, рўйхатга олиш вариоги — курсатилган саволлар бўйича шахсга доир маълумотларни ёзиб олиш учун белгиланган шаклдаги бланка, рўйхатга олиш ҳужжатлари — аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнига тааллуқли ҳужжатлар мажмуи, рўйхатга олувчи ходимлар — Ўзбекистон Республикасининг аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўришга ва уни ўтказишга жалб этилган, махсус ўқувдан ўтган вояга етган фуқаролари, уй ҳўжалиги — битта турар жойда ёки унинг бир қисмида биргаликда яшайдиган, ўзини яшаш учун барча зарур нарсалар билан таъминлайдиган, умумий ҳўжалик юритадиган, пул маблағларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирадиган ва сарфлайдиган шахс-лар йиғиндиси. Бу шахслар қариндошлик муносабатларида бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Уй ҳўжалиги битта шахсдан иборат бўлиши мумкин каби асосий тушунчалардан иборатдир.

Р.ХАСАНОВ,
Фарғона вилояти
статистика
бўлими бошлиғи.

ЎЗБЕКИСТОНДА 2022 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИ, РАҲБАРЛАР ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ МАЖБУРИЙ ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛИНИШИ МУМКИН

«Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайитириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони ва «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори лойиҳалари муҳокамага қўйилди.

Лойиҳаларда:

- «Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестрини юритиш;
- 2022 йил 1 январдан бошлаб, давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкни мажбурий декларация қилиш тизимини жорий этиш;
- Жиноят кодексига коррупцияга оид жиноятлар тоифасига кирувчи моддаларнинг аниқ рўйхатини белгилаш;
- коррупцияга оид жиноятлар учун белгиланган жазо чораларини узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо чорасигача кескин кучайтириш;
- 2021–2022 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурини тасдиқлаш;
- Даромадлар ва мол-мулкни декларациялаш жараёнида аниқланган ноқонуний бойлик ортирғилари учун жавобгарлик ўрнатиш;
- коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жинойий жазони ўташда енгиллаштирувчи нормалар қўлланилишига чекловлар белгилаш ва бошқа шу каби коррупцияга қарши кескин чораларни қонунийликка киритиш назарда тутилмоқда.

"Халқ сўзи" расмий веб-сайти
<https://xs.uz>.



ЎЗБЕКИСТОНДА "ОМІСРОН". НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛДИ

Республика махсус комиссиясининг навбатдаги йиғилишида мамлакатимизда коронавирус инфекцияси билан касалланиш ҳолатлари ортиб бораётгани, ушбу касалликка қарши зарур чоралар кўришни давом эттириш лозимлиги қайд этилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан коронавирус инфекциясининг янги штаммининг «омісрон» штаммининг кенг тарқалаётгани ҳақида берган баёнотига кўра, дастлаб Африкада, кейинчалик Европа ва Осиё давлатларида аниқланган. 2021 йил декабрь ойидан бошлаб АҚШ, Дания, Корея Республикаси, Буюк Британия, Россия, Исроил, Нидерландия, Франция, Япония, Ҳиндистон каби бир қатор давлатларда коронавируснинг янги штамми кенг тарқалиб, эпидемиологик вазият кескинлашиб бораётганиги муносабати билан бир қатор қўшимча карантин чекловлари жорий этилган. Маълум бўлишича, мамлакатимизга келган хорижий давлат фуқаросидан COVID-19нинг "omicron" штамми жорий йилнинг 7 январь кuni аниқланган. Йиғилишда коронавирус пандемиясига қарши чоралар кўришни қатъий давом эттириш масаласи атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан, Республика махсус комиссиясининг қарори билан жамоат жойларида ниқоб тақиш, ижтимоий масофага сақлаш, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш устидан назорат кучайтирилмоқда. Бунда, барча ташкилот, корхона ва муассасаларда, йирик савдо мажмуалари, супермаркетлар, кўнгилчор муассасаларнинг кириш қисмида ниқобда бўлиш, ижтимоий масофага сақлаш, тана ҳароратини ўлчаш амалиётига қатъий риоя этилиши таъминланади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Дин ишлари бўйича қўмитанинг фуқароларимизни Умра зиёратларидан қайтишларида коронавирусга ПЗР ёки экспресс тестни Саудия Арабистони ҳудудида Ўзбек тиббиёт ходимлари томонидан олиниши ва манфий натижасига мувофиқ кириб келишини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик

берилди. Аҳолини тўлиқ эмлаш ва бустер доза билан эмлаш ишлари жадаллаштирилади. Вазирлик ва идора раҳбарлари, ташкилий шаклда қатъий назорат, барча ташкилотларда ишчиларнинг эмлангандан сўнг иш жойларига киритишга рухсат берилди. Мазкур тартибни бузган ташкилот раҳбарларига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатъий чора кўрилади. Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида таътил давомида коронавирус инфекциясига қарши тўлиқ эмлаш чоралари қўрилади. Ушбу тадбирларга ОТМ раҳбарлари шахсан масъул этиб белгиланади. Шуниингдек, Республика махсус комиссиясининг қарори билан 2022 йил 15 январдан бошлаб қуйидаги тартиб жорий қилинмоқда: — хорижий давлатлардан Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрувчилар келишдан камидан 48 соат олдин топширилган коронавирус инфекциясига ПЗР тест натижаси бўйича манфий кўрсаткичи маълумотга эга бўлиши; — коронавирус инфекциясига ПЗР тест натижаси бўйича манфий кўрсаткичга эга маълумотнома бўлмаганда, аэропорт, темир йул вокзаллари ва чегара ўтказиш пунктларида ташкил этилган коронавирус инфекциясига экспресс тест топшириши шарт. Вазирлик, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари ҳамда ҳўжалик бирлашмаларида мамлакатда амал қилаётган карантин чекловлари шароитида аҳоли саломатлигини таъминлаш, мамлакатимизда эпидемиологик вазият барқарорлигини сақлаш мақсадларини кўзда тутиб, турли тадбирлар ташкил этиш таққиланди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Матбуот хизмати.

В УЗБЕКИСТАНЕ 2022 ГОД ОБЪЯВЛЕН ГОДОМ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИНТЕРЕСОВ ЧЕЛОВЕКА И РАЗВИТИЯ МАХАЛЛИ

Во имя процветания нашей страны и благополучия народа Узбекистана каждый год мы ставим перед собой новые цели. И этот год не стал исключением. Предложение Президента Республики Узбекистан об объявлении 2022 года «Годом обеспечения интересов человека и развития махалли» определило вектор развития нашей страны на будущее.



Как отметил глава нашего государства, речь в первую очередь идет об обеспечении прав и свобод, законных интересов каждого жителя Узбекистана. «Решающее значение в этом имеет махалля - основа нашего общества. Действительно, мир в махалле - это мир во всей стране. Самая главная задача для нас - обеспечение мира и стабильности», - сказал Президент Ш. М. Мирзиёев.

Этот год обещает быть не менее успешным, чем предыдущий год. Реформы, проводимые руководством и правительством нашей страны, ставят во главу угла интересы человека. Так, 15 января текущего года под председательством главы государства состоялось видеоселекторное совещание, посвященное приоритетным задачам по организации новой системы работы «махаллабай» и обеспечения занятости населения в 2022 году. Создание рабочих мест и увеличение доходов семей в махаллях будут главными критериями новой системы работы. Для этих целей выделены значительные средства на развитие предпринимательства и обучения населения. Выводить из бедности нуждающуюся часть населения - основная задача, к выполнению которой будут привлекаться передовые предприниматели путем обеспечения занятости представителей малообеспеченных слоев населения в птицеводстве, овцеводстве, козоводстве, кролиководстве, рыбоводстве и пчеловодстве. Предприниматели примут участие в обеспечении махаллей инкубаторами, создании системы гарантированного закупа заготовленной сельхозпродукции.

Поступательное развитие отечественной экономики является одним из главных приоритетов нашей страны. И в этом решающую роль играет создание благоприятного инвестиционного климата, что позволит привлечь дополнительные иностранные инвестиции. Впросам дальнейшего развития внешнеэкономических связей было посвящено совещание при Президенте Республики Узбекистан, состоявшееся 12 января текущего года. На совещании была рассмотрена деятельность Министерства инвестиций и внешней торговли и Агентства стратегического развития. Отдавая должное достигнутым результатам страны в сфере развития внешнеэкономических связей, главой государства ответственным лицам было поручено установить постоянный контроль за каждым инвестиционным проектом, содействовать инициаторам и обеспечить их своевременный запуск. Кроме того, в критическом ключе были рассмотрены вопросы низкого уровня привлечения иностранных инвестиций в сферах туризма, медицины и машиностроения, среди некоторых регионов страны. В связи с этим поставлена задача разработать по ним отдельные программы и направить дополнительные инвестиции. Кроме того, на совещании Президент отдельно остановился на вопросах развития промышленного производства и кооперации. Даны поручения по расширению ассортимента продукции отечественных производителей, поддержке и стимулированию предпринимателей. В частности, отмечалось, что продукция местных предприятий, освоивших выпуск товаров, не производящихся у нас в стране, будет гарантированно закуплена. Указано на важность привлечения в этот процесс и помощников хокимов.

Даны указания по развитию промышленной кооперации и повышению уровня локализации. Подчеркнута важность обеспечения прозрачности и усиления общественно-контроля в реализации проектов в области образования, здравоохранения, водоснабжения, дорожной и иной инфраструктуры, непосредственно влияющих на качество жизни населения. Указано на необходимость привлечения иностранных грантов в сферу здравоохранения, трастовый фонд по Приаралью и другие социально важные направления.

На совещании также был затронут вопрос вступления во Всемирную торговую организацию. Кроме того, подробно проанализированы вопросы экспорта. Подчеркнута важность уделять особое внимание развитию промышленности и задействовать дополнительные возможности для выполнения прогноза в данной сфере. Определены конкретные задачи по созданию методологии в области стратегического развития и ее внедрению в каждом регионе и отрасли.

